



## ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Жорий йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларда фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид фармони қабул қилинган эди. Унга кўра, маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Йиғилишда шу борада бошланган ишлар, тармоқдаги лойиҳалар ҳолати танқидий таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда йилга 1 миллиард 600 миллион долларлик фармацевтика маҳсулотлари истеъмол қилинади. Шундан катта қисми — қарийб 1 миллиард 200 миллион долларлик маҳсулотлар импорт қилинмоқда.

Худудлар кесимида олганда, маҳаллийлаштириш даражаси мутлақо қониқарсиз. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида истеъмол қилинадиган дорининг атиги 2-5 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келади.

Шу боис, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида лойиҳалар билан ишлаш тизимини янгидан жорий этиш вазифаси қўйилди. Дори воситаларига талабни ўрганиб, уларни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Хусусан, шу йилнинг ўзида 80 миллион долларлик 34 та лойиҳа режалаштирилган. Мутасаддиларга бу борада тадбиркорларга кўмаклашиб, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Йирик хорижий компаниялар билан музокара-лар ўтказиб, уларнинг брендларини жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Инвестициялар лойиҳа маркази томонидан яна 18 та истиқболли

лойиҳа ишлаб чиқилган. Давлатимиз раҳбари уларни Ҳиндистон, Германия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этиш бўйича тавсиялар берди. Янги лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда айланма маблағлар учун 200 миллион доллар кредит ресурслари жалб қилинадиган бўлди.

Тармоқдаги экспорт масаласи муҳокама қилинар экан, унинг катта қисми Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан бўлаётгани, қолган худудларда бу кўрсаткич анча паст экани кўрсатиб ўтилди. Янги лойиҳалар на-тижасида фармацевтика маҳсулотлари экспортини кескин ошириш мумкин-лиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигида юртимизда талаб юқори бўлган 120 турдаги дори воси-таларини маҳаллий ишлаб чиқарувчи-лардан 3 йил муддатга кафолатли ха-рид қилиш бўйича кўрсатма берилди. Бунда, айниқса, онкология, гематоло-гия, эндокринология ва вирусли касал-ликлар учун дорилар нархини арзон-лаштириш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш маса-лаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунгача дори ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш учун қўшил-ган қиймат солиғидан озод этиладиган хомашёлар рўйхати бешта идора то-монидан тасдиқланар эди. Эндиликда бу рўйхат учта — Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Божхона қў-митаси ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Шунингдек, энди маҳаллий корхона-ларнинг "GMP" сертификатини олиш билан боғлиқ харажатлари Фармацев-

тика тармоғини ривожлантириш агент-лиги томонидан қўллаб берилди. Корхоналарни модернизация қилиш-ни молиялаштириш тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштироки-да амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ви-лоят ҳокимларига 80 та тумани до-ривор ўсимликларни етиштиришга мослаштириб, плантациялар ташкил этиш топширилди.

Бу тажрибани кенгайтиришда коопе-рация ва оилавий тадбиркорлик учун назарда тутилган барча имтиёз ва моли-ялаштириш тартиблари татбиқ этилади.

Қайд этилганидек, доривор ўсим-ликларни қайта ишлайдиган корхона-лар 2025 йил 1 январга қадар ускуна ва эҳтиёт қисмлар, хомашё импорти-да божхона божидан озод қилинади. Уларга тайёр маҳсулотлар экспорти учун транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисми қўллаб берилди, ҳар 10 гектар плантацияларга сув чиқариш учун 600 минг сўмдан субси-дия ажратилади, доривор ўсимликлар плантацияларига бошқа турдаги киш-лоқ хўжалиги экинларини жойлашти-ришга йўл қўйилмайди.

Давлатимиз раҳбари доривор ўсим-ликлар кластерлари ташкил этиш, худудлардаги олий таълим муасса-саларида фармацевтика бўйича фа-культетлар очиб тақлифларини қўл-лаб-қувватлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган мас-алалар юзасидан мутасаддилар, соҳадаги етакчи корхоналар раҳбар-лари ва доривор ўсимлик етишти-рувчи тадбиркорлар сўзга чиқди. Президентимиз уларнинг тақлиф ва ташаббусларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# СПОРТ — РУҲ ВА ДИЛ ТАНТАНАСИ



Йил бошидан буён Президентимиз жисмоний тарбия ва спорт соҳаси, соғлом турмуш тарзини ривожлантиришга доир 2 та фармон, 5 та қарор имзолади, ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди, Олимпия шаҳарчаси қурилиши лойиҳаси билан танишди. Жойларга ташрифлар чоғида ҳам халқимизни оммавий спортга жалб қилиш масаласи доимий эътиборда турди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 67-мақсадда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқаролар сонини ошириш кўзда тутилган. Шу рақамларнинг ўзиёқ мамлакатда соғлом тараққиётга катта сийosat даражасида эътибор қаратилаётгани далилидир.

Энди эса, юртдошларимизни, айниқса, ёшларимизни оммавий спортга жалб қилишнинг янги босқичида турибмиз. Гап шундаки, Президенти-миз 11 апрель куни "Маҳалла-ларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорни имзолади. Таъбир жоиз бўлса, бу қарор ўзининг ҳаётий фалсафаси, соғлом тараққиётга йўл очиши, ёшларнинг жисмоний ва маънавий қудратини ошириш, мамлакатда ҳамжихатлик, ҳустлик руҳи мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан тарихий аҳамият касб этади.

Бугунги мақсадимиз юртдошларимиз, ёшларимиз билан мана шу қарор мазмун-моҳияти ҳақида гап-лашиш асносида, ўтган беш йил-ликда спорт соҳасида эришилган ютуқлар ва соғлом руҳият тарбия-си самараларига бир қўр назар ташлашдир.

### БИРИНЧИ САМАРА: дунёқарашимиз ўзгарди

Аслида 2017 йилдан кўр олган халқимизни, миллат генофондини соғломлаштириш гоёси янги Ўзбеки-стонни барпо этиш мақсадлари билан йўл ва узвий боғлиқ масъулиятли вазифа сифатида белгиланган.

Ҳозирдан айтиб қўя қолайлик: **шу катта мақсад ва вазифалар ижроси, аввало, одамлар дунёқарашини, сўнг, табиийки, жамиятни ўз-гартириб юборди.**

Қандай қилиб, дейсизми? Ҳаракатсизлик мудроқлиқни келти-риб чиқаради. Мудроқ кайфият ҳаф-саласизликка етаклайди. Ҳафсала йўқ экан, бўладиган ишлар ҳам орқа-га кетаверади. Буларнинг бари одам-ларда умидсизлик уйғонишига олиб келади, ҳаётга, мамлакат ривожига ишонсиз руҳни тарбиялайди. **Янги Ўзбекистонда бошланган эврилиш-**

ларнинг илк мақсади халқимизни **жўшқин муҳит сари етаклаш бўлди.** Бунинг учун фуқароларнинг кон-ституциявий ҳуқуқлари тикланди, куч-ли ижтимоий ҳимоя тизимига ўтилди, сўз эркинлиги берилди ва албатта, соғлом турмуш тарзи тарғиб қилин-ди. Чунки катта йўлга чиққан халқ-нинг вужуди соғлом, руҳи уйғоқ бў-лиши керак. Шу тариқа, мамлакатда катта ҳаракат бошланди.

Энди бу ислохотлар Президентимизнинг кечаги қарори асосида оила-вий спортни рағбатлантириш билан давом этади.

**Қарорга шарҳ:** оммавий спорт билан мунтазам шуғулланувчи оила-ларга маҳаллалар ва истироҳат боғларига шароит яратиш, оила-вий спортни рағбатлантириш меха-низмларини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Давоми 3-бетда

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ISO АЪЗОЛАРИ ТАРКИБИДА Бу бизга нима беради?

Дунё озиқ-овқат саноати кун сайин ривожланиб борапти. Истеъмол маҳсулотларимиз тури кўпайиши баробарида, уларнинг таркибида сунъий қўшимчалар улуши ҳам ортаётгани бор гап. Аммо бу каби маҳсулотларнинг бозори қанчалик чаққон бўлмасин, эндиликда аксарият давлатларда органик озиқ-овқатга талаб ўсиб бормоқда.

Давоми 5-бетда

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) САЙЛОВИ ОЛДИДАН

# МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ВА ФИДОЙИЛАРИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИГА ИШОНАМИЗ

Маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлашда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади. Бошқача айтганда, маҳалла институтини чет эл тажрибасини андоза қила олмайдиган ягона тизимдир.

Сўнгги олти йиллик давр ичида ушбу ноёб институт том маънода жамиятнинг миллий бошқарув идораси бўлиши учун кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳалла институтининг ролини оши-риш, тизимдаги ишларни "маҳалла-бай" юритиш, бунда "Маҳалла раиси — ислохотчи" тамойилига таяниш соҳани янада ривожлантиришда кенг имкони-

ятлар эшигини очди. Хусусан, маҳалла институтининг жамият ижтимоий-маъ-навий тараққиётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиши одамлар турмуш даражасини ошириш ва фар-ровонлигини таъминлашга қаратилган муҳим ислохотлардан бири бўлди.

Давоми 2-бетда

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

# ДАРДИНГИЗГА МАЛҲАМ БЎЛАМИЗ



Мамлакатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотида белгиланган вазифалар ижроси доирасида жорий йил 2 апрель куни Қашқадарё вилоятида "Дардингизга малҳам бўламиз!" акцияси бошланди.

Режага асосан, акция Чироқчи тумани ва Қарши шаҳрида ташкил этилиб, сўнгра уни бутун вилоят миқёсида намуна сифатида кўрсатиш кўзда тутилган эди. Дастлабки кунда соғлиқни сақлаш вазирлиги бошчилигида мамлакатимизнинг барча иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарлари ва шифокорларидан иборат 150 га яқин тиббиёт ходими жойларда иш бошлади.

### Шифокорлар Чироқчида...

Шу куни Қарши шаҳридан йўлга чиққан махсус жиҳозланган мобил поликлиникалар, маммограф, флюорография ва лаборатория ускуна-лари ўрнатилган автомашиналар ҳамда тор ихтисосликдаги мутахассислар-

дан иборат тиббиёт қарвони Чироқчи тумани марказига етиб келди. Мамлакатимизнинг энг йирик ту-манларидан ҳисобланган Чироқчи-да аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муаммолар талайгина экани қабул жараёнида яна бир бор намоён бўлди.

Давоми 6-бетда



ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) САЙЛОВИ ОЛДИДАН

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ВА ФИДОЙИЛАРИНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИГА ИШОНАМИЗ



Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз таъбири билан айтганда, "Маҳалла раиси фаол ишлорчи сифатида, аввало, замон билан ҳамқадам бўлиши, ўз билан ва малакасини доимий ошириб бориш ҳақида ўйлаши, "Обод маҳалла", "Обод кўча", "Обод хонадон" мезонларини ҳаётга таъбиқ этиш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни тадбиркорлик марказларига айлантириш чораларини кўриши даркор".

Мавжуд бўлиб, уларнинг 41 таси шаҳарча фуқаролар йиғини, 73 таси қишлоқ фуқаролар йиғини, 165 таси овул фуқаролар йиғини, 9070 таси маҳалла фуқаролар йиғинидир. Жумладан, 4 та маҳалла жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади, 580 та фуқаролар йиғини қўшни мамлакатлар билан чегара ва анклав ҳудудларда жойлашган.

Мазкур сайлов очкилик ҳамда шаффофлик тамойиллари асосида ташкил этилади ва ўтказилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғинини чақиритиш имкони бўлмаган тақдирда эса фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан уч йилга сайланади.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг тегишли бўйруғи ижрога қаратилиб, унга кўра, сайловга оид маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, ОАВ, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича ишчи гуруҳлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар кенгашлари қарорлари билан 221 та кўмаклашувчи комиссия тузилиб, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир тадбирлар режалари тасдиқланди.

Янги тартибга кўра, фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаролар умумий сонининг камидан 12 фоизини ташкил этиши керак. Авваллари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масаласи билан республика даражасида Олий Мажлис Сенати Кенгаши комиссияси шугулланарди. Энди бу жараёнга "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, алоҳида тузиладиган Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси масъул саналади.

Республика комиссияси таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат органлари, нодавлат нотижорат, илмий ва бошқа ташкилотлар вакиллари киритилиши мумкин.

Олдинги амалиётда маҳалла раиси фуқаролар йиғини томонидан эмас, балки фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан сайланган. Бунда сайловчилар номидан атиги 50-80 вакил овоз берарди, холос. Янги тартибга кўра, сайловда фуқароларнинг ўзи кўпроқ иштирок этишини таъминлаш мақсадида ҳовиллар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакилларининг минимал нормаси белгиланди. Бунда вакиллар сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаролар умумий сонининг камидан 12 фоизини ташкил этади.

Дейлик, бундай ҳолатда маҳаллада яшовчи ўртача 3 минг сайловчи номидан 360 вакилнинг сайловда иштирок этиши таъминланади. Ўз навбатида, фуқаролар вакилларига ҳам талаблар ўрнатилган. Бунда ташкилотчилик

қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга кишилар вакиллар сифатида сайланишига эришиш фуқаролар йиғинларининг келгуси фаолиятида муҳим ўрин тутарди. Раис лавозимига кўрсатилган номзодлар ёки уларнинг яқин қариндошлари вакил бўлиши мумкин эмас.

Номзодлар Ўзбекистон фуқароси бўлиши, қонда тарихасида, олий маълумотга эга, бевосита сайловга қадар камидан беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалиқ фаолияти соҳасида иш ва ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судлангани олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Кези келганда таъкидлаш лозим, Тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналишида инсон қадрини оқсатириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқларар ва давлат барпо этиш мақсадида маҳалла институти фаолияти самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантириш мақсад қилинган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун 5 та муҳим чора-тадбир механизми

66 **МАЗКУР САЙЛОВ ОЧКИЛИК ҲАМДА ШАФФОФЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ ВА ЎТКАЗИЛАДИ. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ, ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИНИ ЧАҚИРИШ ИМКони БЎЛМАГАН ТАҚДИРДА ЭСА ФУҚАРОЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ ТОМОНИДАН УЧ ЙИЛГА САЙЛАНАДИ.**

аниқ кўрсатиб берилган. Жумладан, нуфузини ва обрўсини ошириш учун маҳаллага молиявий мустақиллик бериш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Стратегияда маҳалла раиси томонидан маҳаллий кенгаш мажлисида қўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш ҳамда маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқотга киришиш тизимини яратиш, маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузини оширишга қаратилган мақсад-вазифалар белгиланган. Шунингдек, яқин истиқболда фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институти жорий этилиши маҳалла ва аҳоли ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон маҳаллаларида жўшқин муҳит ҳукмрон. Бу маҳалла ва маҳалла

раислари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани, тизимга зарур маблағ йўналтирилаётгани билан боғлиқ, албатта. Фикримизга битта мисол: "Мустақилликнинг 22 йиллиги" МФЙда сайёр қабул ўтказганимизда 10 га яқин фуқаро кредит олиш масаласида мурожаат қилди. Ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси уларга иссиқхона қуришда ва балиқчиликни ривожлантириш бўйича йўналишларни тушунтириб, амалий ёрдам берди.

Бу билан маҳалла институтининг нечоғлиқ самарадор экани аён бўляпти. Яна бир муҳим жиҳати шуки, энди маҳаллий бюджет маблағларига алоқадор масала маҳалланинг, маҳаллаларнинг ҳал бўлишига эришилмоқда. Демак, муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал бўлган, аҳоли ортиқча сарсон-саргардон бўлиб, мутасадди ташкилотлар олдида навбат кутиб, сарғайиб турмайди.

Бир сўз билан айтганда, олдимизда яна бир муҳим жараён — маҳалла раислари сайлови турибди. Бунда ҳар биримиз фаол иштирок этсак, эртанги ҳаётимиз фаровон бўлишини таъминлашга ҳисса қўшган бўламиз.

ТАШҚИ САВДО



Буюк географик кашфиётлардан сўнг янги денгиз йўллари очилиши мамлакатлар ўртасида ташқи савдо алоқаларининг тез суръатларда ривожланишига туртки бўлган эди. Кейинчалик, саноат, машиналар ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигининг ошиши турли хил маҳсулотларни ички истеъмолдан ташқари, чет элларга чиқариш ва сотиш имконини янада кенгайтирди. Шу тариқа тақомиллашиб борган халқаро бозор муносабатлари бугунги кунда ҳар бир давлат тараққиётининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Иномжон АБДУРАҲМОНОВ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ахборот-таъҳил бош бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимизда яратилган баҳардор ва қўлай инвестицион муҳит ташқи иқтисодий алоқаларнинг изчил ривожланишига йўл очмоқда. Ўзбекистон дунё ҳамжамияти учун очик мамлакатга айланиши баробарида, халқаро савдо бозорига ўз ўрнига эга бўлиб бораёти.

Ташқи савдода экспорт-импорт муносабатлари таянч нуқта ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам 2026 йилда юртимиз экспорт ҳажминини 30 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Давлат дастури асосида жорий йилнинг ўзида экспорт ҳажми 14,1 миллиард долларга етказилади. Шундан 7,4 миллиард доллар тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар, 3,4 миллиард доллар хомашё ҳамда 3,3 миллиард доллар қисим хизматлар экспортга тўғри келиши назарда тутилган.

Экспортни амалга оширувчи ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс ташқи савдо фаолияти иштирокчиси. У ҳок хорижлик инвестор, ҳок маҳаллий тадбиркор бўлиши, ишлаб чиқарган маҳсулотини экспорт қилиш орқали ана шу жараёнда иштирок этади. Президентимизнинг жорий йил 6 апрелдаги "Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан улар учун янги шарт-шароитлар яратилиши ташқи савдо алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Жумладан, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2023 йил 1 апрелга қадар маҳаллий корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га Европа Иттифоқи давлатларига юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилишда ташқи харажатларини 70 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиладиган бўлди.

Таққослайдиган бўлсак, шу кунга қадар Европа Иттифоқи мамлакатларига транспорт харажатларини қоплаш учун субсидия миқдори 50 фоизгача ташқи этарди. Утган йил давомида Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан 442 та корхонага экспорт қилишда ташқи харажатларини қоплаб бериш учун 150 миллиард сўм молиявий ёрдам кўрсатилди. Натижанда мазкур корхоналар томонидан 2021 йилнинг

миз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорига ўз ўрнини топиши янада фаоллашади.

Шу билан бирга, маҳаллий экспортчи корхоналарнинг Ҳуқуқат комиссиясига мурожаатларига асосан, экспортдаги ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитларни қайтариш муддатини яна олти ойгача узайтириш ваколати берилди. Бунда, ушбу кредитларни қайтариш муддатининг узгартирилиши Марказий банк томонидан кредит шартлари қайта кўриб чиқилган активлар сифатида ҳисобланмаслиги белгиланиб қўйилди.

Ҳужжатда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилганини кўраемиз. Айниқса, уларнинг инновацион технологияларга асосланган экспортбо маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш фаолиятини рағбатлантириш кўзда тутилган. Бунинг учун Ҳуқуқат комиссияси қарорига асосан, Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан уларга 500 минг АҚШ долларигача кредит ажратишга ружаст берилди.

Илгари битта ёш тадбиркорлик субъектига 100 минг доллاردан кўп кредит ажратиш мумкин бўлмаган. Шу асосда ўтган йили 324 нафар йигит-кизга умумий қиймати қарийб 26 миллион доллар миқдорда маблағлар ажратилган.

Ҳужжат билан, шунингдек, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2023 йилга қадар Ўзбекистон ташқи савдо операцияларини тартибга солиштириш вақтинчалик механизмларини жорий қилиш ваколати берилган бўлса, "Ўзтрейд" ва "Ўзсанотэкспорт" АЖларга ташқи савдо компанияларини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ҳисобидан 10 миллион АҚШ доллари ажратиладиган бўлди.

Қолаверса, "Ўзтрейд" ҳамда "Ўзсанотэкспорт" АЖлар ташқи савдо компанияларининг тажрибаси ва экспорт имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида ҳудудларга бириктирилди. Улар бу ҳудудларда маҳсулотларни хорижий давлатларга олиб чиқиш, ишга туширилган янги ишлаб чиқариш қувватларини экспортга жалб этиш, чет эллик хариддорлар талабига жавоб берадиган сифат ва ҳажмда маҳсулотларни марказлашган ҳолда экспортга юқлиш чораларини кўриб боради. Бунинг учун уларда ишлаб чиқарувчи корхоналарга буюртмалар бериш ҳамда Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилган маблағлар ҳисобидан олинган тўловларни амалга ошириш ҳуқуқлари мавжуд.

Умуман олганда, ушбу фармоннинг қабул қилиниши нафақат экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш, балки барча тадбиркорларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини жаҳон бозорига йўналтириш ҳамда бу орқали мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

ДАРОМАД МАНБАИ

Тошлоқ туманидаги "Янги йўл" маҳалла фуқаролар йиғинида тажрибали томорқачилар кўп. Зикрилло Раҳмонов улардан бири. Унинг томорқачилик бўлган киши бу ердаги ишларни кўриб, дили яйрайди. Шинам, ораста уй-жой, замонавий автомашина оила аъзоларининг томорқачи қилган ҳалол меҳнати самараси. Эътиборимизни тартиб билан экилан, баҳор нафасидан баҳра олиб, япроқ ёзаётган дараклар тортиди.

ТАШАБУСКОР ТОМОРҚАЧИЛАР

— Бу дўлана, акбарий, аҳмадий навли хондон писта, — дейди томорқачи. — Тўрт түп ниҳол ўтказганимга 15 йил бўлди. Ўн йилдан буён ҳосил беради. Ҳар йили 10 минг түпа яқин кўчат етиштирамиз. Даромад ҳам шунга яраша. Битта кўчатнинг ўртача нархи 20-25 минг сўм. Ҳозирга қадар 200 миллион сўмлик кўчат сотдик. Писта данакларидан униб чиққан ниҳолларга навдорларидан олинган шох ва қурталарни пайвандаш лозим. Эрта баҳорда "искана", ёз мавсумида "куртак" усулда пайвандаш мақсадга мувофиқ. Бу усул пистадан беш йилда ҳосил олиш имконини беради. Писта дарахти ер танламайди, илгизи 60-70 метргача ерга кириб, минг илгича умр кўради, сувсизликка чидамли. Эркак навлари ҳосил берайди, она навларининг серхосил бўлиши улар бир жойда парваришланишига боғлиқ. Шу сабабли ҳар ўнта она навдан кейин битта эркак навни шамоп йўналиши бўйлаб экиш тавсия этилади. Кўчатларни юртимиз бўйлаб етказиб берамиз.

Зикрилло ака опти сотиш иссиқхонасида лимон эккан. Утган йили иссиқхонадан 80 миллион сўмдан ортиқ даромад олди. Кичик иссиқхонада писта ва лимон кўчатлари етиштирилади. Паррандачилик, сув ва гўшт йўналишларида ҳам ишлар йўлга қўйилган оила даромади кўпайишига хизмат қилмоқда. Олтимизи қоралаган, оддий ва самимий Зикрилло аканинг қўлидан кетмон тушмайди. Писта кўчатчилиги, лимончилик борасидаги тажрибаларини бошқаларга ўргатиб чарчамайди.

Отабек Умаровнинг касби хайдовчилик. Ўн сотихдан ортиқ томорқачи бор. Шу кунга қадар ундан самарали фойдалана олмаётганди. Зикрилло аканинг амалий ёрдами, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси маслаҳати билан иссиқхона қуриб, лимон экди. Бугун унинг лимон кўчатлари баравж. Экинлар орқалиги рўзгор учун зарур сазавот кўчатлари уруғини селди. Хандон пистаси бу йил ҳосил нишонларини кўрсатди.

— Маҳалламизда 4 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Улар ўртасида сўровнома-хатлов ўтказиб, мавжуд муаммолар, ҳал қилиниши зарур маса-

лаларни аниқлаб олганмиз, — дейди "Янги йўл" МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Иқболжон Улмасов. — Маҳалланинг ўсиш нуқтаси томорқачилик. Бу ерда лимон ва писта етиштириш етакчи соҳага айланган. 170 дан ортиқ хонадон томорқачида иссиқхона бор. Шу кунга қадар 24 оилада лимон экиладиган янги иссиқхона қурилди. Яна қарийб 50 ташаббускор рўйхати шакллантирилган. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида Нури тоғ кўчасидаги 70 хонадонда намуна сифатида 2 сотихли иссиқхона қурилади. Шунингдек, маҳаллада паррандачилик ва асарчилик билан шугулланишни истаётган оилалар ҳам бор.

Ўқинда маҳаллада Республика лимончилик уюмаси ва тумандagi тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда лимончилик маркази фаолияти йўлга қўйилди. Малакали мутахассис, миришкор томорқачилар лимон ва писта кўчати етиштириш билан боғлиқ агротехник тадбирлар юзасидан амалий машғул ўтказмоқда, ўз иш тажрибаларини оммалаштирилади. Тошлоқ хизмат кўрсатиш техникумида 10 та касб-ҳунар йўналишида мономарказ ташкил этилди.

Йил аввалида маҳаллада ишлаш истагида бўлган 460 киши бор эди. Бугун уларнинг деярли ярми мумкин иш ўрнига эга бўлди. Маҳалла ҳудудида ишга тушган "Сарвинчи" — Машхура — Шодил" тивувчилик корхонасида 210 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Ҳудудда қўллаб-қувватлашда тадбиркорлик учун шароит етарли. Жумладан, иссиқхона, мини цех қуриш, паррандачилик, асарчилик, чорвачилик билан шугулланиш истагини билдирганлар кўп. Ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда талабгорларга кўмаклашиш учун амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, маҳалла ички йўлларига асфальт ётқизиш, шағал тўкиш, ичимлик сув тармоғи тортиш, симёғочларни алмаштириш давом этмоқда.

— Аҳолининг тадбиркорликка, томорқачиликка иштиёқи баланд, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умиджон Мусаев. — Шу мақсадда 930 та хонадонга писта ва наъматак кўчатлари етказиб бериш бошланган. Бу кўчатлар ортиқча ер, меҳнат, харажат талаб қилмайди. Уларни ҳовли сатиш, сув бўйларига экиб парваришлаш ва яши даромад олиш мумкин. Масалан, бир килограмм наъматакнинг баҳоси 20-25 минг сўм. Наъматак меваси замонавий тиббиёт ва халқ табибатида витаминли ва яримвитаминли йўғма қойлар, озик-овқат сановатида эса витаминга бой аралашма, конфет ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади.

Албатта, маҳаллаларда томорқачилик, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳудудларда түпланиб қолган муаммоларга ечим топиш, иқтисодий ривожланишни йўлга қўйиш орқали халқимиз розилигига эришиш мумкин. Бунда маҳалла фаоллари ташаббускорлиги, иш тажрибаларини оммалаштириш ва, албатта, мутасаддиларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# СПОРТ — РУХ ВА ДИЛ ТАНТАНАСИ



**Улуғбек АСРОРОВ,**  
**шарҳловчи**

**Бошланиши 1-бетда**

Бу механизм ҳаётӣ эҳтиёж эди. Гап шундаки, мамлакатимиз тарихида ҳеч қачон яқдид оила бўлиб спорт билан шуғулланиш учун шароит ва имконият бўлмаган. Тўғри, ҳаракатлар бор эди, лекин номига. Ҳа, телевидение орқали оилавий спортни тарғиб қилиш бўйича лойиҳалар кўриниб турарди. Аммо бу ҳам шароит эмас-да ахир. Оммавий қўршаб олишнинг иложи йўқ эди.

Энди маҳаллаларда, соя-салқин боғларда шундай шароит бўлади. Бу билан биз неча йиллардан буён интилаётган мақсадга эришиш таъминланади: оилада соғлом муҳит шаклланади, соғлом муҳит жипсликка олиб келади, ажрашиллар сони, ҳаракатсизликдан келиб чиқадиган касалликлар кескин камайд, хур фикрли, Учинчи Ренессансга интилувчи ёш авлод камол топади. Яна энг муҳими, ҳар бир оилага барака кириб боради, “иқтисод ҳосиласи” пайдо бўлади — касалликни даволашга кетадиган каттагина маблағ тежаб қолинади.



**ИККИНЧИ САМАРА:**  
**юртдошларимиз қалбида ҳаётга иштиёқ кучайди, зўр ғайрат жўш ура бошлади**

Президентимиз олти йилдан буён, ҳар гал маҳаллаларга борганида, албатта, соғлом турмуш тарзи ҳақида гапирарди. Ёшу қарини тўғри овқатланиш, эрталаб ва кечкурун пиёда юришга чорлайди. Секин-аста манзара ўзгариб борди — одамлар онгли равишда ҳаракатга кела бошлади, жисмоний тарбия ва спорт кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бизни хурсанд қиладигани юртдошларимиз қалбида ҳаётга иштиёқ кучайди, зўр ғайрат жўш ура бошлади, яшаш тарзимиз ўзгарди.

Аввал шундай бўлишини истасам эдикми? Албатта, истардик. Лекин шароит бормиди, деган савол туғилади. Шароит, имконият йўқ эди-да! Биргина маҳаллаларда “саломатлик йўлакларини” қурилишининг ўзи “Соғлом аёл — буюк келажак” ғояси амалга ошишига кенг йўл очди.

Ўзбекистон аёлларида шарқона ибод бор. Сир эмас, бу, айниқса, қишлоқ аёлларида жуда кучли. Шу сабаб, улар истаса ҳам баъзан кўчада жисмоний тарбия билан шуғулланишга ийманарди (биз бу ўринда асосан пиёда ёки спортча юришни назарда тутмоқдамиз). “Саломатлик йўлакларини” ана шу манзарани ҳам ўзгартирди. Чунки бу йўлаклар албатта, пиёда юриш учун-да. Мана масалан, авваллари кў-

чада пиёда юриш учун имкон йўқ эди. Нотекис йўллар, серкатнов кўча четидаги хавф-хатар бунга йўл қўймасди.

Бугун “саломатлик йўлакларини” да сайр қилиб юрган хотин-қизларни ҳар қадамда учратасиз. Демак, **қутлуғ йўлакларда хотин-қизлар, айниқса, ҳомилдор аёллар саломатлигини мустаҳкамлаб, ўз бағрида буюк келажакни тарбияламоқда.**

Шу борада Президент қарори янги ўзгаришлар даврини бошлаб бермоқда.

**Қарорга шарҳ:** аҳолининг кенг қатлами орасида оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш тадбирларининг ҳуқуқий асослари белгиланди.

Албатта, бунда асосий эътибор маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спортни янада ривожлантиришга қаратилган. Бу ҳақда биз ҳали батафсил тўхталамиз. Ҳозир айтмоқчи бўлганимиз эса, айнан оналар билан боғлиқ.

Маҳаллада спорт мусобақаси бўлса, болани ким олиб чиқади? Оналар. Ким ўз фарзандининг ютуғидан олам-олам завқ туяди, шодликка бурканади? Яна оналар. Ким жигарбандининг ғалабаси учун стадионни айланиб югуриши мумкин? Фақат оналар! Мана сезяпсизми, қарордаги биргина оммавий спортни ривожлантириш сиёсатининг халқ руҳиятига таъсирини.

билан қарай бошлади. Бугун қайси маҳаллага борманг, бобою момоларнинг невараларини етаклаб сайр қилиб юрганини кўрасиз. Бунинг учун маҳаллада инфратузилма ҳам яратилган. Сайр қилиш учун алоҳида йўлак, жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун очик жойда керакли инвентарлар билан жиҳозланган спорт, мини-футбол майдончалари, ҳамма-хаммаси мукамал ҳаёт тарзига ундайди. Шу тариқа жамиятимизнинг янги қиёфаси шаклланди.

Бу юртдошларимиз ёшига ёш қўшиб, ислохотлар самарадорлигига хизмат қилмоқда.



**“** **ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ОЛТИ ЙИЛДАН БУЁН, ҲАР ГАЛ МАҲАЛЛАЛАРГА БОРГАНИДА, АЛБАТТА, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАҚИДА ГАПИРАДИ. ЁШУ ҚАРИНИ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ, ЭРТАЛАБ ВА КЕЧҚУРУН ПИЁДА ЮРИШГА ЧОРЛАЙДИ. СЕКИН-АСТА МАНЗАРА ЎЗГАРИБ БОРДИ — ОДАМЛАР ОНГЛИ РАВИШДА ҲАРАКАТГА КЕЛА БОШЛАДИ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНДИ. БИЗНИ ХУРСАНД ҚИЛАДИГАНИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҚАЛБИДА ҲАЁТГА ИШТИЁҚ КУЧАЙДИ, ЗЎР ҒАЙРАТ ЖЎШ УРА БОШЛАДИ, ЯШАШ ТАРЗИМИЗ ЎЗГАРДИ.**

Ҳа, айтганча, хоҳ киш бўлсин, хоҳ ёз, соат тунги ўн икки, баъзан бир-иккида ҳам замонавий стадионларда футбол ўйнаётган ёшларни учратиш мумкин. Бу ҳам оммавий спортга бўлган иштиёқ.

Шундай экан, Президентимизнинг 11 апрелдаги қарори билан ёшлар ўртасида спортнинг футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, стритбол, воркаут турлари бўйича беш босқичли, олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича уч босқичли мусобақалар ўтказилиши ҳам катта хурсандлик билан кутиб олинди.

**Қарорга шарҳ:** беш босқичли мусобақалар ўз номи билан аҳамиятли. Кўчаларо маҳалла, маҳаллаларо сектор мусобақалари, унда голиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида туман (шаҳар), кейин вилоят, ниҳоят, маҳалла жамоаларининг республика беллашувлари қандай яхши. Уч босқичли мусобақалар ҳам худди шу руҳда давом этади.

Беш босқичли мусобақалар қачон ва қай тартибда ўтказилади, деган савол ҳам кўпчиликни қизиқтириш табиий.

**Биринчи босқич** 10-25 апрель кунлари кўчаларо ўтказилади. Унда 7 ёшдан 30 ёшга бўлган ўғил-қизлар саралаш босқичи голиблиги учун курашади. Мусобақалар якунида спорт турлари бўйича ҳар бир маҳалланинг терма жамоаси шакллантирилиб, улар кейинги босқичда иштирокини давом эттиради.



**Иккинчи босқич** 1-10 май кунлари бўлиб ўтади. Унда ҳудудларда маҳаллалар ўртасида сектор мусобақалари ташкил этилади.

**Учинчи босқич** 15-25 май кунлари ташкил этилади. Яъни секторлар босқичида голиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида туман (шаҳар) босқичи бўлиб ўтади.

**Тўртинчи босқич** 1-10 июнь кунлари туман миқёсида голиб чиққан маҳалла жамоалари ўр-

**ТЎРТИНЧИ САМАРА:**  
**“Янги Ўзбекистон руҳи” пайдо бўлди**

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳолини оммавий спортга жалб қилиш орқали йиллик камров ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказилиши кўзда тутилган. Кейинги йилларда 70 дан зиёд жисмоний тарбия ва спорт муассасасини қуриш, барча бочча ва мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш, туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлакларини барпо этиш режалаштирилган. Шу кунларда бу чора-тадбирлар бошлаб юборилган ва жадал давом этмоқда.

Яна бир статистика бор: кейинги икки йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланганлар сони икки баробар кўпайди. Юртимиз спортчилари турли халқаро мусобақаларда мингдан зиёд медалларга эгаллик қилди. Уларнинг 400 дан ортиги олтин медаль.

Бу рақамларни келтиришимизга сабаб “Янги Ўзбекистон руҳи”га тўхталишди.

Бугун Ўзбекистонда шундай бир куч пайдо бўлдики, шундай илгор ва шиддатли тараққиёт оғушидамикки, унинг асосини истаимизми, йўқми, барибир соғлом турмуш тарзи омалашгани билан изоҳлаймиз. Бугун Президентимизнинг доимий эътиборида турган ана шу катта сиёсат моҳиятини ҳаммамиз чуқур ва теран англаб етиш йўлидамикки.

**Қарорга шарҳ:** Президентимизнинг тарихий қарори билан болалар-ўсмирлар спорт мактаби директорининг оммавий спортни ривожлантириш ва селекция бўйича ўринбосари лавозимини жорий этилмоқда. Беш ва уч босқичли мусобақалар давомида голиб ва совриндор ёшларни тарбиялаган мактабларнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, спорт таълим муассасалари мураббийлари малака аттестациясига жалб этилмади, шунингдек, уларга белгиланган тартибда малака тоифаси берилди.

Ҳар икки янгилик, аввало, рағбат билан боғлиқ эканига урғу қаратган ҳолда, **Ўзбекистонда кўтаринки руҳда тарбияланган ёшлар оқими пайдо бўлишига кучли замин яратилди.**

Бундан ташқари, энди ҳокимлар ҳам бевосита маҳаллаларга тушиб, спорт ислохоти билан шуғулланади. Чунки қарорда ҳудудларда ташкил этиладиган бошқа спорт мусобақалари туман (шаҳар) ва вилоят босқичи голиблари учун ҳоким совринини таъсис этиш белгиланган.

Албатта, бу спорт мусобақаларига маданий-маърифий тадбирларнинг уйғун олиб борилиши ҳам янги Ўзбекистон ислохотларига ғоят ҳамоҳангдир. Боиси, **мамлакатимизда мустаҳкам, халқ тафаккури билан суғорилган кучли маънавий макон пайдо бўлмоқда.** Бу макон муҳити бизни фақат юксалишга, ташаббускорликка, дахлдорлик йўлига чорлайди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# ОЛМАЗОРДА КАТТА ТАДБИР БОШЛАНДИ

Инсон бор экан, гўзалликка ошурфта, эзгу амалларга ошно бўлаверади. Айниқса, азалий қадриятимиз — кўчат экиб, боғ яратиш, атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш эътиборга молик. Бу қадрият Президентимиз ташаббуси билан кўр олган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида янада ёрқин жозиба касб этди.



Давлатимиз раҳбари жорий йил 8 апрель куни пойтахтимизнинг Олмазор туманига ташрифи чоғида ҳар бир маҳаллага, кўп қаватли уйлар атрофига, ҳовлиларга мевали, манзарали дарахт, гуллар экиш топшириғини берган эди.

Орадан бир кун ўтиб, 9 апрель куни туманда Миллий гвардия бошчилигида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш ҳамда Урмон ҳўжалиги давлат қўмиталари, Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги, туман ҳокимлиги ва сектор раҳбарларидан иборат мувофиқлаштирувчи штаб фаолияти йўлга қўйилди.

Штаб аъзолари шу куннинг ўзидаёқ маҳаллаларни айланиб, кўчат экиш мумкин бўлган бўш жойлар, кўчат турлари, сони ва жойлашуви бўйича аниқ маълумотларни шакллантирди.

Шу тариқа туманда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси янги раҳ ва кўтаринки кайфиятда бошлаб юборилди.

— Эрта тонгданок Олмазор туманига 36 минг 880 туп мевали ва манзарали дарахт кўчати келтирилди. 9330 туп олма, 400 тупдан ёнғоқ ва шафтоли, 60 туп олча, 200 туп хурмо, 280 туп ўрик, 6700 туп ток ва 19500 туп терак кўчати тумандаги 59 маҳаллага тақсимланди, — дейди Миллий гвардия қўмондонини ўринбосари, полковник Сарвар Мамаюсупов. — “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларини икки ҳафта давомида жадал суръатда давом эттирамиз. Негаки, шу кунларда кўчатларни экишга улгуриш керак. Ниҳоллар кун келиб азим дарахтларга, боғу бўстонларга айланади. Бу эзгу ишлар натижасида, бир томондан, она табиатимиз ҳавоси тозаланса, иккинчи томондан, мўл-кўлчилик бўлиб, элимиз дастурхони ноз-неъматларга тўлади.

Ҳамкорликдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳалла фаоллари, кексаю ёш ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашди.



Олмазор туманининг барча ҳудудларида кўкаламзорлаштириш қизғин давом этмоқда. Кўчалар, спорт майдончалари, пиёдалар йўлакларини, кўп қаватли уйлар фасади таъмирланиб, носоз, эски лифтлар янғисига ал-

маштиралимоқда. Бунёдкорлик руҳи ҳонадонларга ҳам кўчган. Ҳамма ўз ҳовлисини ободонлаштиришга киришган.

**Гулиҳасана ДУРДИЕВА,**  
**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



## БУГУННИНГ ГАПИ

СОДДА ВА САМАРАДОР  
ТАРТИБ-ТАМОЙИЛЛАРкейинги йилларда мингга яқин бюрократик  
жараёнларни қисқартиришга олиб келди

Президентимиз раислигида 7 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш ва қўламини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада аҳолига қўлайликларни янада кўпайтириш бўйича навбатдаги вазифалар белгиланди.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,  
иқтисодий шарҳловчи

Хусусан, шу йил 1 июлдан бошлаб 38 турдаги давлат хизматлари учун электрон имзо билан тасдиқлаш талаби бекор қилиниб, улар мобил телефон орқали амалга оширилади. 6 турдаги лицензия олиш учун сўраладиган ҳужжатларга чек қўйилади, аҳоли ва тадбиркорлар учун ўнга яқин давлат хизмати бўйича электрон хабардор қилиш тизими жорий этилади. Шунингдек, коммунал ташилотларнинг 32 турдаги ҳужжат ва маълумотномаларини талаб қилиши ҳам бекор қилинади.

Президентимиз эътироф этганидек, ушбу масалалар инсон қадрини, ҳалқ розилиги билан боғлиқ, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини Руслан Давлетов. — Бу мақсадга ҳар бир хизматнинг қўлай ва шафқатлигини таъминлаш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, рақамлаштиришни кенгайтириш орқали эришилади. Масалан, кейинги уч йилда 73 та талаб бекор қилинди. Бу қўлайликлар бевосита 20 миллион аҳолининг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди ва улар томонидан харажат қилиб келинаётган 300 миллиард сўмини тежаш имконини берди.

Агар лицензиялаш йўналишини олдидан бўлса, ҳар бир тадбиркорнинг давлат хизматларидан фойдаланиши учун очик ва қўлай йил электрон тизим юзасига келтирилди. Бундан ташқари, 132 та лицензия ва рухсат берувчи ҳужжат бекор қилинди. Бугунги кунда барча ҳужжатлар масофавий шаклда амалга оширилмоқда. Бу тизим янада ривожлантирилди.

Президентимиз йиғилишида давлат хизматлари соҳаси бўйича тасдиқланган янги беш йиллик стратегиядан ўрин олган вазифалар ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Чунки мазкур миллий дастурнинг ҳар бир бандига масъул бўлган ижрочилар ҳам, уларни бажариш мuddатлари ҳам аниқ белгиланган. Бу борада илҳам ва самарадор "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган. Олдинда турган асосий вазифа уларнинг энг кўйи бўлиндаги ижросини амалда таъминлашдан иборат. Чунки маҳалларда яшовчи фуқаролар тизимда рўй бераётган ўзгаришлар, инсонни қадрлаш учун амалга оширилаётган давлат хизматлари қўлайлиги ва самарасини ўз ҳаётида сезиши зарур.

Яна бир муҳим масала, бу — фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар вақтини қисқартириш. XXI асрда энг катта ресурс — вақт. Унинг тежаланиши, аҳолини овоза қилмаслик учун давлат хизматларини туман ёки вилоят марказига бормай, маҳалланинг ўзида олиши керак. Бу вазифа миллий стратегиянинг энг муҳим бўлини ташкил этади ва биз уни ҳам, албатта, бажарамиз.

Ўта муҳим ҳуқуқий  
асослар

Иқтисодиётни либераллаштириш ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш сисёати энг устувор вазифалардан бири. Бу борадаги мезонлар босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётда илҳам қилиниб, десак ҳеч бир муносабатларга киришиш учун сарфланаётгани қайд этилган. Адлия вазирлиги ҳодимларининг фикрича, ушбу вақт самаралроқ тарзда, масалан, ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришга, иш самардорлигини ва корхоналар тушумларини ошириш масалаларини ҳал этишга хизмат қилиши мумкин эди.

Президентимизнинг 2020 йил 24 августдаги "Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда ушбу соҳани кескин энгиллаштиришга қаратилган, барча масалаларни комплекс қамраб олган муҳим ҳужжат бўлди.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида барча лицензияланадиган фаолият ва рухсатномалар тегишли ва

колатли органлар билан бирма-бир таҳлил қилинди, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Бунёд Азизов. — Утказилган ўрганиш ва таҳлиллар маъмурий тартиб-таомиллардан ўтишда ханузгача бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилаётгани, соҳада ахборот технологияларини жорий этиш талаб даражасида эмаслигини кўрсатди.

Фармонга асосан, 2021 йил 1 январдан буён мингга яқин белгиланган



бюрократик жараёнлар қисқартирилди. Хусусан, 68 та лицензияланадиган фаолият ва 34 та рухсатнома бекор қилинди ҳамда тартибга солишнинг муқобил услуга ўтказилди. Шундан 36 та лицензияланадиган фаолият ва 10 та рухсатнома, 16 та лицензияланадиган фаолият ва 11 та рухсатнома бирлаштириш йўли билан, 16 та лицензияланадиган фаолият ва 13 та рухсатнома хабардор қилиш тартибига ўтказиш орқали бекор қилинди. Натижада тадбиркорлик субъектларининг йилга қарий 125 миллиард сум маблағи иқтисод қилиниб, ўз ихтиёрида қоладиган бўлди.

Яна бир жиҳати, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш жараёнлари "Лицензия" ахборот тизими орқали тўлиқ электронлаштирилди. 115 та лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш ҳамда 14 турдаги фаолият бўйича ҳужжатларни расмиёлаштириш мuddатини қисқартириш орқали бизнес жараёнлар ва маъмурий тартиблар энгиллаштирилди. Фаолиятни бошлашдаги вақт лицензиялар учун 30 кунгача, рухсатномалар учун 20 кунгача қисқарди.

2021 йил 15 июлдан Ўзбекистон Республикасининг "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонуни амалиётга жорий этилди. Унга асосан лицензия ва тартибга солиш соҳасидаги юзга яқин қўнун ҳужжати ўз кучини йўқотди. 49 та лицензия, 120 та рухсат бериш ҳужжати ҳамда 33 та хабарноманинг ақуний рўйхати тасдиқланди.

Қўнуннинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, шу пайтгача мавжуд бўлмаган ваколатли органни хабардор этиш орқали фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ муқола янги, соддалаштирилган механизм жорий этилди. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари тўлиқ рақамлаштирилиши ва бу жараёнлар "Лицензия" ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар қайси ҳолатларда суд томонидан ва қайси ҳолатларда ваколатли орган томонидан бекор қилинишининг аниқ чегаралари белгилаб берилди.

Ишбилармонлик муҳити  
янада яхшиланади

Баҳор борлиққа яшариш ва янгилашни олиб келади. Бугунги кунда бундай жараённи лицензия ва рухсатнома бериш бўйича тартиб-таомиллардаги янги ўзгаришларда ҳам кузатиш мумкин.

Бугунги кунга қадар лицензия ва рухсатнома бериш бўйича тартиб-таомиллар 200 га яқин турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Ушбу низомлардан фойдаланиш, уларни қидириб топиш тадбиркорларга ноқулайлик олиб келаётган эди. Аҳоли ва

тадбиркорларнинг фойдаланиши қўлай бўлиши учун ушбу ҳужжатлар унификациялаштирилиб, ягона низом шаклида белгиланди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги қарорига биноан Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низом тасдиқланди. Мазкур ҳужжат билан 29 та лицензияланадиган фаолият турининг, 22 февралдаги қарорга мувофиқ, Махсус электрон тизим орқали айрим рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларини бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низом билан эса 28 та лицензияланадиган фаолият тури паспортлари тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 25 февраль куни қабул қилинган яна бир

қарорда эса фаолиятни бошлаш ёки туғатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби белгиланди.

Шу йилнинг 1 мартдан кучга кирган ушбу қарорлар лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартибини тизимлаштириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Жавоҳир Қўлизода. — 2021 йил 1 январдан бошлаб илгари белгиланган мингга яқин бюрократик жараёнлар қисқартирилди. Уларда лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари бўйича умумий қоидалар белгиланди ва ҳар бир фаолиятга хос хусусиятлар низомга илова қилинган 57 та паспортда аниқ белгилаб қўйилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ягона низомларда акс этмаган ва лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари паспортларда ҳар бир фаолият туридан келиб чиқиб тақдим қилинадиган ҳужжатлар, аризани қўриб чиқиш мuddатлари, бунинг учун тўланадиган йиғим ва бож миқдори, талаб ва шартлари каби бошқа маълумотлар ҳам акс эттирилган.

Эндиликда барча аризалар электрон тарзда "Лицензия" ахборот тизими орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъий назар, ҳар кун 24 соат давомида қабул қилинади. Бу билан фуқароларнинг давлат органларига бориш ва кутиш каби ортиқча овозгарчиликларга чек қўйилди. Бунда, аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари берилганда, улар лицензияловчи орган томонидан қабул қилинган кун мурожаат қилинган вақт ҳисобланади.

Лицензия ёки рухсатнома олишда талабгорнинг бошқа қилишиладиган идоралардан хулосасини олиб, аризага илова қилиш амалиёти бекор қилинди. "Бир дарча" тамойили асосида лицензияловчи органнинг "Лицензия" ахборот тизими орқали тегишли хулосаларини бошқа органлардан ўзи олади, хулоса ўз вақтида тақдим этилмас, ижобий хулоса олинган, деб ҳисобланади. Бунда келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгарлик хулосани кечиктирган орган зиммасида бўлади.

Лицензиялаш ёки рухсат бериш жараёнида бюрократияга йўл қўймаслик мақсадида паспортларда белгиланган талаб ва шартлардан ташқари ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланди. Эндиликда ушбу низомларда белгиланган асослар бўйича лицензия ёки рухсатномани бериш мақсадга мувофиқ эмас, деган вақт элишига асос бўлмайди. Агар шундай ҳолатга йўл қўйилса, ваколатли органнинг маъмурий жавобгарлиги қўриб чиқилади.

Ушбу ҳужжатлар билан ҳуқуқнинг 250 та қарори ўз кучини йўқотган, деб топилди, 35 тасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Одамлар кўнчилиги билан қадим замонлардан буён шугулланиб келган бўлса-да, хромли кўнчилик XIX асрда пайдо бўлди. Мазкур технологияни швед олими Хилтен Кавалин ҳамда француз олими Рене де Керкадо ишлаб чиқди. Ушбу технология сабаб, сульфат ва бошқа тузлар ёрдамида хунармандлар терини юмшокроқ ва қайишқоқ қилиб ишлагани ўрганди. Бу усул орқали қайта ишланган тери намликка чидамли бўлиб, ранги ва шаклини йўқотмай, энг муҳими, ундан бошқа соҳаларда ҳам фойдаланиш имконини берди. Бугунги кунда ҳам аксарият чарм маҳсулотлари ана шу усулда тайёрланмоқда.



## Кўнчилик

саноатга айланиб, иқтисодиётга  
қанча фойда келтирмоқда?Шаҳзод ҒАФФОРОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бразилия, Хитой, Ҳиндистон дунёга тери етказиб берадиган асосий мамлакатлардир. Чармдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда эса, Италия етакчи саналади. Италия чарми ўзининг юқори сифати билан дунёга машҳур. Мазкур мамлакат чарм маҳсулотлари 120 дан зиёд давлатга экспорт қилинади.

Юртимизда ҳам чарм саноати изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда "Ўзчармсанот" уюшмаси фаолият юритиб келади. Тери тайёрлаш, хомашени чуқур қайта ишлаш ҳамда чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйна, қорақул ва жундан ишланган тайёр маҳсулот ва буюмлар ишлаб чиқариш жараёнига кўмаклашиш, импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдириш учун шарт-шароитлар яратиш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашиш ташкил фаолиятининг асосий йўналишларидан саналади.

Сўнгги йилларда чарм саноатида амалга оширилган технологик янгилаш ва маҳаллийлаштириш натижасида тармоқ сезиларли ривожланди. Масалан, 2017 йилда 760 миллиард сўмлик чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 4 триллион 415 миллиард сўми ташкил этган. Шу даврда экспорт ҳажми 105 миллион доллардан 421 миллион долларга етди. Яъни ишлаб чиқариш қарий 6 баробар, экспорт 4 баробар ўсди. Тайёр маҳсулотлар улushi 32 фоиздан 78 фоизга кўпайди.

2019 йИЛДАН БУЁН АЁЛЛАР ПОЙАБЗАЛИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРАЁТГАН, ХИТОЙНИНГ САЛОҲИЯТЛИ  
ИНВЕСТИРЛАРИ ТОМОНИДАН ЎРТА ЧИРЧИҚ  
ТУМАНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "TATA SHOES" МЧЖ  
КОРХОНАСИ БУГУНГИ КУНДА ЎЗ БРЕНДИГА ЭГА.  
ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ "DONG DA" КОРХОНАСИ ҲАМ  
ХОРИЖГА СИФАТЛИ ЧАРМ МАҲСУЛОТЛАР  
ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.

Президентимиз шу йилнинг 24 январь куни мазкур саноатдаги устувор вазифалар муҳофазасига бағишланган йиғилишида бу йил чарм-пойабзал маҳсулотлар экспортини 500 миллион долларга, келгуси 3 йилда 1 миллиард 200 миллион долларга етказиш мақсад қилинганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 26 февралдаги "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилади. Унга қўра, 16 та туман (шаҳар)да, шунингдек, Тошкент вилоятида терини қайта ишлашга ихтисослаштирилган, тайёр чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик саноат зоналарини ташкил қилиш белгилаб берилган.

Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига замонавий ускуна ва технологияларни харид қилиш учун 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил мuddатга йиллик 5 фоиз ставкада кредитлар ажратиладиган бўлди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида чорва моллари терисини қайта ишлаш, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, мебеласозлик ва бутловчи буюмлар, пойабзал учун кимё ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шугулланувчи 50 дан ортиқ корхона мавжуд. Корхоналар томонидан 2021 йилда 570 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу мамлакатимизда ишлаб чиқарилган чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларининг 13 фоизи демакдир. 55 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

— Вилоятда чарм-пойабзал маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда, — дейди "Ўзчармсанот"



ҳолга келтирилади. Келгусида ана шу заводда чармдан оёқ кийимлар, сумкалар ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган. Табиий чарма дунё миқёсида ҳар доим талаб юқори бўлган. Чунки чарм сифатли, чидамли, қайишқоқ маҳсулот бўлиб, узоқ йиллар давомида асл қиринишини йўқотмайди. Қолаверса, ундан тайёрланадиган кийимлар, буюмлар нафислиги ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам табиий тери ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар қиммат бўлади.

— Корхонамизда тери қайта ишланиб, ундан мўйнали кийимлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, — дейди Юрчи Чирчиқ туманидаги "Qunduz-A" корхонаси раҳбари Абдуқаҳҳор Орифхўжаев. — Маҳаллий бозорда, айниқса, табиий мўйнали қўлоқчинли теплақлар, пўстин, мўйнали қўлоқлар, махсус костюм-шимларга талаб катта. Хомашё Россия, Хитой, Қозғистон, Туркия, Беларусь каби давлатлардан келтирилмоқда. 2021 йилда 53 миңдан зиёд маҳсулот сотилди. Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар туфайли ихтимой, фойда ва мулк солиқлари ҳамда божхона тўловларидан озод этилганимиз. Корхонамизда 44 киши доимий иш билан банд. Бу йил фаолиятимизни янада кенгайтириб, 76 миң дона маҳсулот сотишни режалаштирганмиз.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда тадбиркорларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар натижасида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам чарм маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Янги замонавий корхоналар иш бошлаяпти. Улар маҳаллий бозорни нафақат хомашё, балки импорт ўрнини босувчи, экспортбон, сифатли тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, ҳалқимиз фаровонлигига қўшилаётган катта ҳиссадир.



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ISO АЪЗОЛАРИ ТАРКИБИДА

Бу бизга нима беради?



Шухрат БОБОМУРОДОВ, Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори

Очиги, мамлакатимиз шу вақтгача мазкур тузилмага кузатуви сифатида аъзо бўлмаган. Олимларимизнинг халқаро кўмига фаолиятида иштирок этиши дийримида амалга оширилаётган тупроқ тадқиқотларини ISO стандартларида бажаришни босқичма-босқич жорий этишга хизмат қилади.

Халқаро стандартларга жавоб берадиган органик маҳсулот етиштириш, аслида мурракб ва узоқ вақт талаб этадиган жараён. Бунда белгиланган тадбирлар уруғ ёки қўчатни ерга қадаш жараёндан бошланади. Яъни илк босқичдаёқ қўчат, тупроқ, ҳатто сув сифати назорат қилиниб, то ҳосил олингунча кечадиган жараёнларда сунъий қўшимчалардан фойдаланилмайди.

Мамлакатимизда органик қишлоқ хўжалиги ёки органик деҳқончилик бўйича қўнун талаблари, экологик тоза маҳсулот стандартлари ҳамда бундай маҳсулотларни тартибга соладиган ва марказлаштириладиган ҳуқуқий асослар охириги 5 йилда яратила бошланди.

Қолаверса, мамлакатимизда илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, дунё илм-фани ва технологиялари илгор ютуқларидан миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини юксалтиришда фойдаланиш, чет эл инвестициялари, етук илмий ва технология марказлари, олимлар, мутахассисларни юртимизга жалб этиш, илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи ходимларнинг хорижда тажриба ва малака оширишини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларида тармоқда жўн стандартларини жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Сифатли тупроқ — сифатли маҳсулот дегани(ми)?

Экологик тоза маҳсулот етиштиришни тупроқ сифати билан боғлаётганимиз бежиз эмас. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тупроқда етиштирилади. Унинг кимёвий таркибини халқаро стандартлар билан аниқлаш эса тупроқнинг экологик хавфсизлик талабларига жавоб бериши ва

зарур ҳолларда уларнинг соғломлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради. Табиийки, экологик хавфсиз тупроқда юқори сифатли, экологик тоза маҳсулот етиштириш ва уни жаҳон бозорига киритиш мумкин.

Шу ўринда савол туғилади, хўш, тупроқ сифати, деганда ўзи нима тушуналади? Оддий қилиб изоҳлаганда, тупроқ сифати — бу қишлоқ хўжалиги экинларининг яхши ўсиб ривожланиши ва режалаштирилган ҳосилни олишда тупроқнинг ишлаб чиқариш қобилияти ёки табиий унумдорлигига берилган қиёсий баҳони аниқлатади.

Тупроқлар сифати бўйича бир неча гуруҳларга бўлинади. Ёмон, ўртачадан паст, ўртача, яхши, энг яхши ерлар ва ҳоказо. Тупроқнинг сифати унинг асосий хоссалари, яъни механик таркиби, аргокимёвий хоссалари, шўрланган даражаси, эрозияланган жараёнлари, тош аралашганлиги ва бошқалар ҳисобига аниқланади.

Юртимизда 2017 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд бўлиб, умумий ер майдонларининг 9,7 фоизини сугориладиган, 2,9 фоизини лағми экин ерлари ташкил этади.

Республикамизда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоиздан ортиги сугориладиган ерларда етиштирилади. Аммо ушбу ерларнинг 47 фоизи турли даражада шўрланган. Шунингдек, 14 фоизи сув эрозияси, 15 фоизи шомол эрозиясига учраган. Сугориладиган ерларнинг 43,6 фоизи ўрта қумоқли, 23,9 фоизи енгил қумоқли, 20,3 фоизи оғир қумоқли, 8 фоизи қумоқли, 2,5 фоизи қумли ва 1,7 фоизи лойли механик таркибга эга тупроқлардан иборат.

Табиийки, ушбу ерларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг талаб даражасида сифатини таъминлаш учун, албатта, тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаб, уларнинг ҳолатини яхшилаш керак бўлади.

Бунда ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқилган янги, замонавий агротехнологиялардан фойдаланиш мумкин бўлади. Табиийки, ушбу ерларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг талаб даражасида сифатини таъминлаш учун, албатта, тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаб, уларнинг ҳолатини яхшилаш керак бўлади.

Бунда ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқилган янги, замонавий агротехнологиялардан фойдаланиш мумкин бўлади. Табиийки, ушбу ерларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг талаб даражасида сифатини таъминлаш учун, албатта, тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаб, уларнинг ҳолатини яхшилаш керак бўлади.

Юртимизда тупроқ сифатини баҳолаш ишлари бўйича тадқиқотлар барча сугориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларида ҳар беш йилда, лағми ерларда ҳар ўн йилда бир марта ўтказилиб ҳамда туман ҳудудини тўлиқ қамраб олади. Ер майдонларининг ҳолати турли ҳудудларда турлича бўлади. Масалан, республикамизнинг шимолий ҳудудлари — Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва марказий зона ҳудудларидаги Жиззах, Сирдарё вилоятларида тупроқнинг унумдорлиги бошқа вилоятларга қараганда пастроқ ҳисобланади.

Экин экишга яроқсиз тупроқларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига қайтариш асосий вазифаларимиздан бири. Бунда босқичма-босқич агромелиоратив тадбирлар амалга оширилиб, тупроқлар реабилитацияси ва рекультивацияси



РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ЯНГИ, ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. БУ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НЕГИЗДА, АККСРИЯТ ҲОЛЛАРДА, ISO СТАНДАРТЛАРИ, ЖУМЛАДАН, «ISO/TC 190 SOIL QUALITY — ТУПРОҚ СИФАТИ» УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ.

таъминлаш, органик ва органоминерал ўғитларни белгиланган меъёрларда киритиш, сугориш меъёрлари ва муддатларининг илмий асосланган тартиби ишлаб чиқилади.

Аммо айрим сугориладиган ва лағми ерлар борлиги илгор унумдорлигига кучли таъсир кўрсатуви табиий ва антропоген омиллар сабаб салбий жараёнларни тўлиқ бартараф этишни имкони йўқ. Бундай тупроқлар доимий равишда мелиоратив тадбирлар ўтказилишини талаб этади, акс ҳолда, катта меҳнат ва маблағ эвазига тикланган унумдорлигини қисқа муддатда йўқотиши мумкин.

Замонавий ускуналар зарур

Ерларни сугориш, шўр ювиш, тупроққа ишлов бериш каби тадбирларни белгилаш тупроқнинг механик таркибига боғлиқ. Шу боис, аввало, тупроқнинг механик таркибига кўра, гуруҳлаш керак бўлади.

Бугунгача мамлакатимиз амалиётида қўлланилаётган тупроқ механик таркибини аниқлаш услуби илгор мамлакатлар тажрибасидан фарқ қилади. Тупроқнинг таҳлил қилишда ISO стандартларига қиритилган янги техник воситалар ва услубларни қўллаш анча самарали. Шундай техник воситалардан бири автоматлаштирилган таҳлил тизимидир. Бу технология орқали бир вақтнинг ўзида бир неча киши иштирокида амалга оширилаётган таҳлилларни бир оператор автоматлаштирилган тизимларда амалга ошириш мумкин. Бунга Германиянинг «Скалар» компанияси томонидан ишлаб чиқилган автоматик аналитик линияни мисол қилиш мумкин. Бу технология билан вақт ва рағбатнинг тежаб, тупроқ ҳолати тўғрисида бир неча кўрсаткичларни аниқлаш имконияти мавжуд.

Ҳозирда Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтида ана шундай замонавий технологияларни қўлайтириш чоралари қўрилади. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига институтимиз замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. 2021 йилда амалга оширилган тажриба-конструктор лойиҳа доирасида икки дона «Тупроқ клиникаси» мобил инновацион лабораториясини ташкил қилинди. Ушбу мобил лаборатория Германиянинг «STEP Systems GmbH» компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосини «LASA AGRO Mobil» комплекси ташкил этади. Таркиби «LASA AGRO DR 2800» спектрометри, люкс-метр, квантометр, влагомер ва термометр сингари охириги модел ускуналаридан иборат.

Махсус автоматлашган жойлаштирилган ихчам асбоб-ускуналар ёрдамида экин вегетациясининг турли босқичларида тупроқнинг мелиоратив ҳолати, озуқа моддалари билан таъминлангани ва бошқа аргокимёвий кўрсаткичларини даланинг ўзида аниқлаш мумкин. Айни пайтда бажарилган тупроқ кимёвий таҳлиллари асосида экин вегетациясининг турли босқичларида минерал ва органик ўғитларни самарали қўллаш, сугориш муддати ва меъёрларини аниқ белгилаш бўйича амалий тавсиялар берилади.

Тупроқ сифатини стандартлаштириш йўлида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларидан қўзланган асосий мақсад мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичига эришишдан иборат. Ахир, тупроқ сифати ва унумдорлиги қанча юқори бўлса, биз истеъмол қилаётган маҳсулотлар табиийлиги шунча ошиб бораверади.

МУНОСАБАТ

Дунё иморатлари ичида энг улуги — мактаб. Зеро, маърифат нурини беминнат таратувчи зиё масканида муаллимлар комиллик, етуқлик сари интилаётган ёш авлодга таълим-тарбия беради, тафаккурини теранлаштириб, қалбида чин инсоний фазилатлар мустаҳкам ўрин олишига беғараз ҳисса қўшиб келади. Устозлар кўмагида ёшлар аста-секинлик билан фанлар оламини ўзлаштириб бораверади.

УЙҒОҚ ФИКР ТАРБИЯСИ

Гулсанам ИБРАГИМОВА, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети педагогика-психология факультети декани, педагогика фанлари доктори



Агар ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганадиган бўлсак, мактабга, таълимга берилган эътибор мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чикувчи билимли, иқтидорли ва уларнинг малакасини ошириш борасидаги ишларни янгилаш усулда ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Ийгилишда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари ичида ўзига хос нуфузга ва салкам 90 йиллик тарихга эга бўлган, ўз вақтида нафақат Ўзбекистон, балки кўшни мамлакатлар таълим тизими учун педагог кадрлар етказиб берган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг кейинги фаолияти бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланди.

Ҳусусан, педагогика университети Халқ таълими вазирлиги таркибига ўтказилиб, мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича юртимиздаги таянч муассасага айлан-тирилди.

Видеоселектор йиғилишида Абдулла Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти Республика миллий таълим маркази сифатида қайта ташкил этилиб, Тошкент ягона педагогика университети билан ягона тизимга бирлаштирилиши ҳамда мазкур тақчилотлар таълим жараёнига янги методикаларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишларга масъул экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, халқ таълими тизимидagi мавжуд ҳолат икки ой мобайнида тўлиқ ўрганилди ва ўтказилган ўрганишлар натижасида 852 та мактабда таълим сифати, ўқитувчилар салоҳияти ва битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириши паст даражада экани аниқланди.

1 минг 526 та мактаб болалар тарбияси, давомат ва маънавий муҳит бўйича «қизил» ҳудудга қиритилгани тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолат экани ҳам эътибор қаратилди. Энг катта муаммолардан бири — ўқитиш методикасининг эскиргани.

Мактаблардаги таълим сифатини

оширишда директорларнинг масъулиятини янада кучайтириш мақсадида сертификатлаш тизими жорий этилиши, халқ таълимига малакали педагог-кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасидаги ишларни янгилаш усулда ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Ийгилишда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари ичида ўзига хос нуфузга ва салкам 90 йиллик тарихга эга бўлган, ўз вақтида нафақат Ўзбекистон, балки кўшни мамлакатлар таълим тизими учун педагог кадрлар етказиб берган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг кейинги фаолияти бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланди.

Ҳусусан, педагогика университети Халқ таълими вазирлиги таркибига ўтказилиб, мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича юртимиздаги таянч муассасага айлан-тирилди.

Видеоселектор йиғилишида Абдулла Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти Республика миллий таълим маркази сифатида қайта ташкил этилиб, Тошкент ягона педагогика университети билан ягона тизимга бирлаштирилиши ҳамда мазкур тақчилотлар таълим жараёнига янги методикаларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишларга масъул экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, халқ таълими тизимидagi мавжуд ҳолат икки ой мобайнида тўлиқ ўрганилди ва ўтказилган ўрганишлар натижасида 852 та мактабда таълим сифати, ўқитувчилар салоҳияти ва битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириши паст даражада экани аниқланди.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Карл ШВАРЦ: ИЛМ-ФАНГА ЭЪТИБОРЛИ ЖАМИЯТ ЮКСАЛАВЕРАДИ



Яқинда мактаб таълимининг ислоҳ қилиш бўйича йил бошида белгиланган топшириқлар ижроси, йил якунига қадар устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари «2022 йилни ҳокимларнинг мактабга эътибори йили, деб эълон қилганмиз ва туман ҳокими «халқ таълими мудирини» бўлади, деган вазифаларни, афсуски, ҳамма ҳокимлар ҳам ҳали тўлиқ тушуниб етгани йўқ», дея айтиб ўтди. Шунингдек, таълим муассасалари, хусусий ўқув даргоҳларидаги илгор методикани ҳудудидagi мактабларда жорий қилиш борасида ҳокимларда ташаббус етишмаётгани таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам таълим сифатини тубдан ошириш, мактаблардаги маънавий муҳитни яхшилаш борасида бажарилаётган тизимли ишлар салмоғига нисбатан самарадорлик анча паст. Шу маънода, таълим-тарбия масаласига ҳамма масъул экани, айниқса, вилоят, туман ҳокимлари бу борада фидойиллик кўрсатиши зарурлиги қайта-қайта таъкидланаётгани бежиз эмас. Зеро, мактаблардаги муаммоларни, асл ҳолатини ҳокимлар шу тизимга масъул бўлгандагина кўра олади.

Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани ҳокими Элпўбек Набижонов туманда кўплаб янги лойиҳалар қатори мактаблардаги таълим сифатини, айниқса, ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўзлаштириши даражасини ошириш бўйича ўзига хос тажрибани йўлга қўйди. У Германиядан малакали ўқитувчиларни туманга таклиф этиш лойиҳасини ишлаб чиққан. Унга қўра, таклиф этилган 5 нафар тажрибали педагогнинг бири — монхенлик, 40 йиллик педагогик тажрибага эга Йорг Астер бу йил февраль ойида Қўрғонтепага етиб келди.

Уни тумандаги 5-мактаб жамоаси кутиб олди. Чунки Йорг Астернинг иш жойи, яъни алоҳида синфи шу мактабда ташкил этилган. Синф замонавий жиҳозлар, янги авлод компьютери, маъруза учун қўшимча техник қулайликлар билан таъминлангани хорижий мутахассисга аввалбошданок кўтаринки қайфият бағишлади. Бу ҳақда ўшанда у тўлқинланиб гапирган.

Йорг Астер бир ой тумандаги немис тили ўқитувчиларининг билими ҳамда малакасини ошириш билан шуғуллан-

жамият юксалаверади. Ўзбекистон менда шундай таассурот уйғотяпти».

Карл Шварц инглиз тили ўқитувчилари билан илгор тажрибалар асосида шуғулланишдан бўш вақтида маҳаллий мактаблар фаолияти билан ҳам алоҳида қизиқмоқда. Жумладан, тумандаги 16-мактабга бориб, инглиз тили дарсларининг ўттиши, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқотни диққат билан кўзатиб, қўлланаётган метод ҳамда педагогик технологиялар билан яқиндан таништи. Шу билан бирга, педагоглар ва ўқувчилар билан санимий суҳбатлашиб, дарс мазмунини бойитиш бўйича қўшимча тавсиялар берди.

Ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти ҳам хорижий мутахассис эътиборидан четда қолмади. Хусусан, 8-МТДа бўлган Карл Шварц муассасанинг кун тартибининг ўрганиши ва болаларга тил ўргатиш бўйича машғулотларга гувоҳ бўлди.

Яқинда туманда илгари сурилган яна бир ташаббусга кўра, хорижий тил ўқитувчилари ўртасида «Ҳоким соврини учун» фан олимпиадаси ўтказилди. Беллашувда 120 нафар инглиз тили ва 11 нафар немис тили ўқитувчиси қатнашди. Якуний натижаларга кўра, ғолибларга 1-урин учун 10 миллион, 2-урин учун 7 миллион ва 3-урин учун 5 миллион сўмлик ваучер топширилди. Бундан ташқари, ҳар бир ўринга иккитадан ғолиблик белгиланиб, улар қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Туманда аввал кузатилмаган бу каби тизимли ишлар ўқитувчиларни ўз устида тинимсиз ишлашга ундаш баробарида, бўлгуси лойиҳаларга хайрихоҳлигини оширмоқда.

Муножат МҸМИНОВА, «Янги Ўзбекистон» муҳбири



## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

“ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎТ ҚОПИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЕМОРЛАР КЎПРОҚ. ТУМАН МАРКАЗИДАН АНЧАГИНА ОЛИСДА ЯШОВЧИ 43 Ёшли НАРГИЗА ОПА ҲАМ ЎТ ҚОПИДАГИ ТОШ САБАБ ҲАЛОВАТИНИ ЙЎҚОТГАН. БУНИНГ ЧОРАСИНИ ТОПОЛМАЙ ҚИЙНАЛИБ ЮРГАНДИ. МАЗКУР АКЦИЯ ҲАҚИДА ЭШИТИБ, ШИФОКОРЛАР ҚАБУЛИГА ШОШИЛДИ.

# ДАРДИНГИЗГА МАЛҲАМ БЎЛАМИЗ

## Бошланиш 1-бета

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари томонидан аҳолига янада енгиллик яратиш мақсадида икки — Чироқчида ва янги ташкил этилаётган Қўдала тумани ҳудудида алоҳида-алоҳида сайёр қабул бошланди.

Акция ҳақидаги хабар аҳоли орасида тез тарқалди, шифокорга эҳтиёжи бор беморлар қабулга шошилди. Бу ерда ҳар бир фуқаро тиббий рўйхатга олиниб, тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтирилди.

Мурожаатчилар тиббий ёрдамга муҳтожлик даражасига кўра, таснифланган, курсатиладиган тиббий хизмат ҳажми туман, вилоят ва республика миқёсида белгилаб берилди.

Яна бир эътиборли жиҳат ва аҳолини қувонтирган ҳолат шунки, юқори технология амалиётлар талаб этиладиган беморларга шу ернинг ўзида ордер расмийлаштирилди. Малакали мутахассислар кўрсатмаси, ҳар бир беморнинг дардига қўлоқ тутиши ҳам илк давора босқичини ўтаб берди, десак муболага бўлмайди.

## “Докторлар барака топсин”

Қўдалалик Худойберди Худойиёзов бир ярим йилдан буён мустақил юра олмайди. Маҳаллий шифохоналарда даволанди, зарур муолажалар олди, нафи бўлмади.

Шифокорлар қабули ҳақидаги хабарни эшитган отахон ўғиллари ҳамроҳлигида Қўдала томон шошилди. Бу ерда мутахассислар кўригидан ўтказилди ва Тошкентда чуқур тиббий муолажа олиши учун ордер берди.

— Шифокорларнинг хулосасига кўра, орқа миямда ўсимта борлиги сабаб юра олмаётган эканман, — дейди Худойберди ота. — Ўзинг мустақил қадам ташлолмасанг, оғир экан. Докторлар барака топсин. Шунча узоқ жойдан келиб, биз каби беморларга маслаҳат бермоқда, ёрдам кўрсатмоқда. Чекка қишлоқлардаги одамлар дардини ҳис қилаётган Президентимиз инсон қадрини янада баландга кўтармоқда. Бу эса, менда яшашга иштиёқни оширяпти.

Маълумотларга кўра, айнан Қашқадарё вилоятида ўт қопи билан боғлиқ беморлар кўпроқ. Туман марказидан анчагина олисда яшовчи 43 ёшли Наргиза опа ҳам ўт қопидаги тош сабаб ҳаловатини йўқотган. Бунинг чорасини тополмай қийналиб юрганди. Мазкур акция ҳақида эшитиб, шифокорлар қабулига шошилди.

— Чекка ҳудудда яшаймиз, — дейди у. — Ҳеч ким касал бўлмасин. Ҳовлида бир оз ишлаб, эндигина дам олишга ўтирдик, бехосдан ўт қопимда кучли оғриқ бошланди. Нима қилишни билмасдан, шифокорни чақиртирдим. Улар етиб келгунча роса қийналдим. Доктор келиб биринчи ёрдамни кўрсат-

магунча, бўларим бўлди. Агар ўт қопи операция қилинмаса, оқибати яхши бўлмаслигини тушунтирди. Шундан сўнг юрагимга гулгула тушиб қолганди. Бугун соҳа вакиллари текширувдан ўтказди ва Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида даволанишимни маслаҳат берди. Энг асосийси, саломатлигим борасидаги кўплаб саволларимга ҳам жавоб олдим.

## Болалар ҳам кўриқдан ўтказилди

Шу кун нафақат катталар, балки ёш болалар ҳам тиббий кўриқдан ўтказилди. Шифокорлар ота-оналари етаклаб келган болаларни диққат билан кўздан кечиради, керакли маслаҳатлар берди. Жумладан, вилоят кўп тармоқли тиббий маркази мутахассиси Флюра Полванова навбатдаги бемор болага пойтахтга даволаниш учун ордер берилишини маълум қилди.

— Бу бола 14 йилдан буён бош мия жароҳатидан даволаниб келмоқда, — дейди шифокор. — Болакай икки ёшлигида бошдан жароҳат олган. Шу боис, танасининг чап томони ҳаракат қилмайди. Оилавий етишмовчиликлар сабаб жиддий муолажа олишга имкони бўлмаган. Тошкентдан келган малакали врачлар билан маслаҳатлашган ҳолда унга Республика кўп тармоқли тиббий марказида стационар даволанишга йўланма берилди.

Сайёр қабулга келган болаларнинг кўпи туғма нуқсонли бор беморлар эди. Кўрик жараёнида анчагина бола даволанишга йўналтирилди. Бу эса, ота-оналар кўнглида фарзанди дардига шифо топишига ишонч уйғотган бўлса, ажабмас.

Уч фарзанднинг онаси Дилшоода опа тўнғичи ва кичигининг ривожини яхши экани, аммо ўртанчасининг саломатлигида жиддий муаммо борлигидан шикоят қилди.

— Бу туғма касаллик, — дейди мутахассис Достон Нурматов. — Боланинг ақлий ривожланишида камчилик йўқ. Аммо жисмонан ўсмай қолган. Уни пойтахтдан келган эндокринолог, травматолог ва бошқа мутахассислар билан биргаликда консилиум қилдик. Натيجида бемор Болалар миллий тиббиёт марказида даво муолажалари олиши белгиланди.

Қабулга набирасини олиб келган Г.Тўраеванинг ҳасратлари бисёр. Унинг тавқидлашича, етти йилдириқ, набирасининг дардига шифо топиш истагида югуради. Набираси туғруқ жараёнида олган жароҳат туфайли бош мия фалажига чалинган.

Шу пайтгача у тиббий назоратда туриб, амбулатор шароитда муолажа олиб келган. Сайёр қабул натижаларига кўра, бемор болага Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида даволаниш учун йўланма берилди.



## Биз учун катта ёрдам бўлди

— Саломатлик акцияси доирасида ташкил этилган сайёр қабул биз учун каттагина кўмак вазиғасини ўтаб берди, — дейди Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Уктам Арслонов. — Айни пайтда туманимизда 54 та маҳалла ва 10 та бирламчи тиббиёт муассасаси фаолият юритмоқда. Қўдала ҳудудида эса 42 та маҳалла ва 11 та бирламчи тиббиёт маскани бор. Акциянинг айнан икки туман ҳудудида ташкил этилиши шу туманларда ишлаётган соҳа вакилларига ҳам катта кўмак бўлди. Бу ишлар туфайли туманимизда анча йиллардан буён ечимини топмаётган муаммоларга барҳам берилди. Тўрт кун давомида икки ҳудудда тиббий хизматга эҳтиёжи бўлган 2965 фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 1803 нафарини дардига шифо топишга беморлар аниқланган касалликларига қараб гуруҳларга ажратилди. Натيجида 765 беморга амбулатор, 727 нафарига стационар, 936 нафарига туман ва 556 беморга вилоят миқёсида даволанишга



“САЙЁР ҚАБУЛГА КЕЛГАН БОЛАЛАРИНИНГ КЎПИ ТУҒМА НУҚСОНЛИ БОР БЕМОРЛАР ЭДИ. КЎРИК ЖАРАЁНИДА АНЧАГИНА БОЛА ДАВОЛАНИШГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ. БУ ЭСА, ОТА-ОНАЛАР КЎНГЛИДА ФАРЗАНДИ ДАРДИГА ШИФО ТОПИШИГА ИШОНЧ УЙҒОТГАН БЎЛСА, АЖАБМАС.

йўланма берилди. 156 бемор эса республика даражасидаги шифохоналарда даволанганидан бўлди. Акциянинг биз, соҳа вакиллари учун фойдали яна бир жиҳати шунки, туманимиздаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, дори-дармон, даволаш ва кадрлар етишмовчилиги бўйича муаммолар бартараф этилади.

## Ўрганиш “хонадонбай” давом эттирилди

Пойтахтдан келган мутахассислар гуруҳларга бўлиниб, вилоятнинг бошқа ҳудудларида “хонадонбай” тамойили асосида аҳоли саломатлиги, уларни қийнаётган муаммоларни ҳам ўрганди. Шу билан бирга, фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзига амал қилиш, жумладан, касалликлар профилактикаси бўйича “Соғлом турмуш мактаби”, “Эндокринологлар мактаби”, “Кардиологлар мактаби” каби тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Бунда, асосан, аҳолига касаллик турларига қараб тушунчалар бериб борилди. Хусусан, “Соғлом турмуш



тарзи мактаби” тадбирида, энг аввало, кундалик турмушда соғлом овқатланиш, тозалик, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, қайси касалликларда қандай таомларни истеъмол қилиш, уларнинг фойдали ва зарарли жиҳатлари ҳақида гапирилди. “Эндокринологлар мактаби”да эса, айнан шу касалликка чалинган беморлар билан суҳбатлашилди, бу дарднинг келиб чиқиш сабаблари, энди нималарга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги борасида суҳбатлар ўтказилди.

## Беморнинг ҳам, шифокорнинг ҳам имконияти кенгайди

— Бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт соҳасида кенг кўламли ислохотлар кечмоқда, — дейди вилоятдаги сайёр қабул жараёнида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул этиб бириктирилган ходим Шавкат Норқобилов. — Яқиндагина давлатимиз раҳбари соҳа вакиллари билан очик мулоқот ўтказди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тегишли фармонга асосан, “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда 7 та йўналиш мавжуд бўлиб, аҳоли учун ҳам,

“АКЦИЯ ҲАҚИДАГИ ХАБАР АҲОЛИ ОРАСИДА ТЕЗ ТАРҚАЛДИ, ШИФОКОРГА ЭҲТИЁЖИ БОР БЕМОРЛАР ҚАБУЛГА ШОШИЛДИ. БУ ЕРДА ҲАР БИР ФУҚАРО ТИББИЙ РЎЙХАТГА ОЛИНИБ, ТОР СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ КЎРИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ.



ойлик маошини малака тоифасига қараб кўшимча 15 фоизгача ошириш, тиббиёт олийгоҳларига давлат грантлари асосида қабул квоталарини кўпайтириш, олис ва чекка ҳудудларда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг шифокорлари оиллик иш ҳақига кўшимча икки миллион сўм устама белгилаш каби бир қатор имтиёзлар киритилган. Бу эса, бевосита тизимда фаолият юритаётган ходимларни халққа янада яқинлаштиради.

## Мавлуда опанинг орзуси ушалди

Мавлуда опа Касби туманидаги Майманок қишлоғида яшайди. Қизи Малика 10 ёшда. Унга туғма юрак пороги ташхиси қўйилган. Кечалари қизига термулиб, ухломлай қичқари. Икки-уч бор шифокорлар кўригига олиб борди. Лекин ҳар гал улар болада жароҳлиқ амалиётини ўтказиш кераклигини айтди. Аммо бу операция учун каттагина маблағ керак. Эҳ-ҳе, опа бунча пулни қайдан топсин? Ҳар кун шу хусусда ўйларди. Оилада фақат эрининг тоғлини рўзгордан ортмайди. Қизига эса ҳар кун дори-дармон керак. Мактабга ҳам бир амаллаб бориб келади. Гоҳида қизининг юрагидан нолиганини эшитиб, аламини кўз ёшидан оларди. Турмуш ўртоғи Ориф ака эса, ўзидан ўтганини ўзи билиб, ичига ютишга интиларди.

Бундан беш-олти йиллар олдин Ориф ака ҳовлисидеда боғлоқлик турган сигирини бозорга чиқариб сотди-ю, пулини белига тугди. Қизини олиб Тошкентга жўнади. Кейин ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб келди. Бир сизирнинг пулига операция қилиб бўлмас экан...

Яқинда қўшни ҳамшира қиз қишлоқ врачлик пунктида Тошкентдан келган врачлар беморларни тиббий кўриқдан ўтказиётганини айтиб қолди. Бу хабарни эшитган Мавлуда опа қизини етаклаганча тиббиёт пункти томон шошди. Врачлар Маликани яхшилаб текшириб, яқинда уни жароҳлиқ столига ётқизиш борасида хулоса қилди. Буни эшитган онаизор ҳафсаласи пир бўлиб, бунга имкони йўқлигини тушунтиришга интилди. Агар керакли маблағи бўлганида аллақачон операция қилдирган бўлишини айтди. Шифокорлар эса, фарзандига Қарши шаҳрида ҳеч қандай пулсиз жароҳлиқ амалиёти ўтказилишини билдирди. Мутахассислар кўрсатмасига биноан ишониб-ишонмай Қарши томон йўлга

чиққан Маликанинг ота-онаси Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиалида икки кун қандай ўтганини ҳам билмай қолди. Маликани жароҳлиқ хонасига олиб киришаркан, онасининг кўзидеда қувонч ёшлари ларинг шифокорлари оиллик иш ҳақига кўшимча икки миллион сўм устама белгилаш каби бир қатор имтиёзлар киритилган. Бу эса, бевосита тизимда фаолият юритаётган ходимларни халққа янада яқинлаштиради.

— Рости, шунчалик тез ва ҳеч бир маблағсиз жароҳлиқ ўтказилишига ишонмангандим, — дейди қизидеда севинч ёшлари билан Мавлуда опа. — Қизим ҳозир анча яхши. Жароҳлиқ амалиёти кўнглидагидек ўтди. Шифокорларнинг қишлоғимизга кириб келиши — бу бизнинг бахтимиз. Шифокорларга, қолаверса, бу ишларнинг бошида турган Президентимизга ўз миннатдорчилигини билдирганимиз. Қўллари ҳеч қачон дард кўрмасин.

## Маҳорат мактаби

— Саломатлик акцияси аҳоли учун анчагина имкониятлар эшигини очди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмаси директори Шоира Набиева. — Ушбу акция, белгиланганидек, аҳоли хонадонларига кириб борди. Ўзим ҳам Яққабғ туманидаги акцияда иштирок этдим. Тажрибали мутахассис Воҳид Розикўлов бошчилигида туманда беш кун мобайнида тиббий кўриқлар ўтказди. Шу жараёнда имкон даражасида аҳоли хонадонларига кириб бориб, дардларига қўлоқ тутишга интилдик ва бунга эришидик ҳам. Сир эмас, кейинги вақтда аҳоли ўртасида тиббий маданият бирмунча шаклланди. Лекин ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Биз ҳам бу акция доирасида камчиликларимизни билиб олдик. Малакали врачларнинг иш фаолияти билан танишиб, тажриба орттирдик. Уларнинг маслаҳатларини олдик. Бу биз учун маҳорат мактаби вазиғасини ўтади.

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган бундай тадбирлар, хусусан, мазкур акцияда вилоят бўйича 10331 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 1507 нафари теозор даволашга муҳтож деб топилди. Шунингдек, 102 беморда жароҳлиқ амалиёти ўтказилди. 690 бемор Тошкент шаҳрида, 692 бемор вилоятда, 23 нафари туманда операция қилинадиган бўлди.

Ақбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуриндаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашир индекси — 236. Буюртма — 1026. 85049 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асроров  
Мусаҳҳиж: Маллоҳат Мингбоева  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 22:25 Тоширилди — 00:45